

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-9
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рахимов Матназар, б.ф.д., доц.

Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№9 (80), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 331 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА АРХИТЕКТУРА

SHalikorova D.M. Geodezik syo'mkaning ahamiyati va mohiyati	6
Ахмедов Қ.Қ., Ахмедова Ш.Қ. Қадимги обидаларда геометрик шаклларнинг ўрни	9
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Alloberganova Z.B., Ro'zmetova M., Allabergenova F.F., Isaeva Z.B. Labguldoshlar (Lamiaceae) oilasiga mansub <i>Ocimum basilicum</i> L. o'simligining bioekologik xususiyatlari	12
Mahkamov A.M., Avutxonov B.S. Moshning barg sathi va quruq massa hosil qilish ko'rsatkichlariga bakterial o'g'itlarning ta'siri	14
Norqulov M.M., Haydarov X.Q. Zarafshon milliy tabiat bog'ida tarqalgan lishayniklarning taksonomiyasi va morfologiyasi	17
Абдурашитов С.С., Бозорова Р.П., Ҳожибобоева С.Ҳ., Каримова Ш.Б., Исмоилова К.М. Кузги буғдой микдорий кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғланишлар даражасига глицирризин кислотаси асосидаги стимуляторнинг таъсири	22
Вайсова Г.Б., Рахимова Т. Рост и развитие <i>Capparis spinosa</i> L. (Capparaceae) в условиях г. Ташкента	26
Вайсова Г.Б., Рахимова Т., Маткаримова А. <i>Capparis spinosa</i> L. ning Жиззах вилояти шароитида фитоценотик ҳолати	29
Джонибекова Н.Э., Тураев А.М. Микроклональное размножение перспективных сортов винограда, созданных в Узбекистане	32
Ешмуратов А.Я., Холматов Б.Р. Шимоли - ғарбий Ўзбекистон визилдоқ кўнғизларининг зоогеографик таҳлили	38
Жумаева Ш.Б., Субхонова Ш.Э. Тўдакўл ва Куйимозор сув омборларида фитопланктоннинг микдорий таркибини ўрганиш ҳамда баҳолаш	41
Жураев С.Т., Шекузиев З.Р. Урожайность линий хлопчатника в различных почвенно-климатических условиях Узбекистана	44
Зокиров Б.У., Равшанов С.С. Получение моносахарида – фруктозы из клубней топинамбура	46
Исаков В.Ю., Иминчаев Р.А. Жанубий Фарғона адирларининг тупроқлари ва геоэкологик ҳолати	50
Кадирова Х.А. Эфемерлар устида Ўзбекистонда, МДХ ва ҳорижда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили	54
Курбанова А.И., Хабибуллаев А.Ж. Судочье кўлининг балиқ паразитлари	57
Кушматов Б.С., Ҳоликов Б.М., Тўхтамишов Э.Қ. Тритикале “Сардор” навининг ҳорсилдорлигига 1000 дон дон вази ва дон натурасининг таъсири	60
Кушматов Б.С., Ҳоликов Б.М., Тўхтамишов Э.Қ. Экиш муддати, уруғ ва маъданли ўғитлар меъёрининг тритикале ҳосилдорлигига таъсири	62
Қодиров У.Х., Азизова Ф.А., Қосимов З.З., Мадаминов Ф.М. Ургут ботаник-географик райони флорасининг эндем турлари	64
Мирхонидова Н.А., Холмуродова Г.Р., Намазов Ш.Э., Ниятов Б.И., Турсунбаев Ф.Ф. Ғўзанинг конвергент оилаларида белгиларнинг ўзаро корреляцияси	70
Равшанова Н.А., Отаёрова Г.У. Цветение и формирование генеративных органов у сортов маша (<i>Phaseolus aureus</i>) в зависимости от агротехнических мероприятий	72
Ражабов Т.Ф., Мардонов Б.К., Рахимова Т., Валиев Ш.А. Қарнобчўл яйлов ўсимликлар қопламанинг ҳозирги флористик хилма-хиллиги	77
Рахимова Н.К., Темиров Э.Э., Абдиназаров С.Х., Тухтаев Б.З., Бахши М.А., Самадов И.Н. Перспективы использования некоторых интродуцированных в Ташкентский ботанический сад видов деревьев в условиях Сырдарьинской области	81
Собирова Х.Ғ., Кучбоев А.Э. Паразит нематодалар <i>Marshallagia Dentispicularis</i> ва <i>M. Sogdiana</i> турларининг қиёсий морфологик тавсифи	85
Хамидова У. Б., Терентьева Е. О., Умарова М. Р., Виноградова В.И., Азимова Ш.С. Тетрагидроизохинолинларнинг алкилли ҳосилаларини яллиғланишга қарши хусусиятларини ўрганиш	89
Хошимов Х., Хошимова Н.Х., Рахимова Г.Х. Сут маҳсулотларида антибиотиклар қолдиқ микдорларини аниқлаш усуллари	91
Юсупов А.Х., Нуралиева Д.С. Бодринг экинида оққанот (<i>Trialeurodes vaporariorum</i> West)нинг ривожланиши ва унга қарши қўлланилган кимёвий препаратларнинг самарадорлиги	97
Шарифов М.Р., Алимова Б.Х., Пулатова О.М., Зухридинова Н.Ю., Мирзаев Т.Ш., Махсумханов А.А., Давранов К.Д. Скрининг микроорганизмов-нефтедеструкторов продуцентов биосурфактантов	99
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ	
Pirimov J.J., Bobojonov S.U., Mukhamadov K.M. Problems of geobotanic mapping	104
Khudoyberdiyev F.Sh., Bobojonov S.U., Mukhamadov K.M. Reconstruction of degraded pasture land use	106

Дурдиев Н.Х., Мусаев Э. Уруғлик учун етиштириладиган ғўза навларининг мақбул суғориш тартиблари	108
Каримов Э.Қ., Бобожонов С.Ў., Мухаммадов Қ.М. Вобкент тумани суғориладиган тупроклари хоссаларининг унумдорликка таъсири	110
Каримов Э.Қ., Бобожонов С.Ў., Мухаммадов Қ.М. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш	113
Матёкубов С.К., Намазов Ш.Э. Турлараро чатиштириб олинган F ₁ - F ₄ дурагайларда бир дона кўсак вазнининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги	115
Намазов Ш.Э., Матёкубов С.К. Интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида чатиштириб олинган F ₁ -F ₄ дурагайларида тола узунлигининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги	118
Нафасов З.Н., Аллаяров Н.Ж., Аминова Д. Япон тухумаги (<i>Sophora Japonica</i> L.) да <i>Aphis Crassivora</i> ширасига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги	120
Нормуратов О.У., Зокиров Х.Х. Помидор экинига турли меъёрларда қўлланилган маъданли ўғитларнинг тупроқдаги аммоний шаклидаги азот (N-NH ₄) микдорига таъсири	122
Шамсиева Ў., Юнусов Р., Ганиева Ф.А., Атаева З.А. Когон тумани Саломов Шахобиддин номидаги фермер хўжалиги қадимдан суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва кузги бугдой етиштириш омиллари	125
Шарипов О.Б., Шадиева С.С. Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг асосий хосса хусусиятлари ўрганиш	127
Эгамбердиева С.А., Жураев С.Т. Корреляционные связи между длиной вегетационного периода и основными хозяйственно-ценными признаками у линий хлопчатника в различных регионах возделывания	130
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Asrorov M.Y., Sattorova G.T., Teshayeva M.Sh. Bosim ostida quyish usuli bilan avtomobillar uchun sovutish trubkasi ishlab chiqarishni jadallashtirish	132
Djurayev M.K. Lingvistik faoliyatni kompyuterlashtirishga imkon beradigan vositalar	134
Каримов М.М., Мухаммадиев Б.Т., Каримова З.М. Математический аппарат процессов криообработки растительных материалов	137
Ниязова Р.Н. Взаимодействие жирующих веществ с коллагеном	139
Садикова М.М. Изучение свойств модифицированных композиционных термореактивных полимерных материалов и их значение в машиностроении	142
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Karimov M.M., Karimova Z.M. Dispers sistemalar mavzusini o'qitish orqali talabalarda reflektiv qobiliyatni rivojlantirish	147
Kubayev S.R., Shukurov A. O'rtta ta'lim maktabida jismoniy tarbiya darslarining samaradorligini oshirish	152
Агзамходжаева Ш.С. Ёшлар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари	154
Бабаев А.А., Норкулов Ш. Историческое развитие физического воспитания и спорта в Узбекистане	156
Болбеков А.С., Дехканов Р.К. Физическая активность и физическое воспитание	158
Джалолов И.М., Захритдинов А.Т. Роль тренеров в процессе физической подготовки	160
Рахимов Т.Х., Мухамедиев М.Г., Гафурова Д.А., Хасанов Ш.Б., Бекчанов Д.Ж. Сохранение и развитие навыков лабораторных занятий по химии в условиях самоизоляции	161
Элмуратова У.Ф., Турсунова Ш.А. Жамият барқарор ривожланишида инновацион таълим тизимини жорий қилишнинг долзарблиги	164
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Abdullaev A.A., Rakhimov Sh.U., G'ofurov Z.Yo., Abdukhalimov Sh.A. Birth tourism	168
Rabbimov E.A. Forecast parameters of development and efficiency of advertising services	170
Ruzikulova M.G', Ibodova R.U., Abdusamatov A.M. Factors effecting the customers' selection of restaurants in Uzbekistan	175
To'uchieva V.F. Zamonaviy marketing tizimi asosida korxonalar faoliyatini rivojlantirish	178
Акрамова Г., Абдираманова А. Наружная реклама и безопасность на дорогах	181
Алтиев А.С., Очиллов И.С., Султонов Х.Ғ. Сурхондарё вилояти ҳудудидаги суғориладиган ерлар экологик ҳолатини яхшилашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш	184
Жўраев Э.С. Реал инвестициялар: турлари, тузилиши, самарадорлиги ва бошқарилиши	187
Зокиров С.С. Урбанизация жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг институционал жиҳатлари	191
Мырзатаев С.М. «Farm optimization model» тизими маълумотлар базасини лойиҳалаш	195
Рахмонов Р.Р., Рузимуродова Ч.Б., Хамидова Ф.Х., Шодиев Н.Д. Бухоро вилоятидаги оёқоғитма кўли атрофида тиббиёт туризмини ривожлантиришнинг янги имкониятлари	199
Саидов М.С. Электр энергетика соҳасида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	201

Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалигида кузги бугдой етиштиришда минерал ўғитларни қўллашни илмий асосланган парваришlash технологиялари асосида ерга киритиш ва ўсимликни ўғитга бўлган ўзлаштиришни оптимал меъёрини билиш зарурлиги таъкидланган.

Шунингдек, 2021 йилда Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалигида яхши парвариш қилинган кузги бугдойни ҳосилдорлиги 55-60 ц/га ни ташкил қилди ва пировард натижасида бу хўжаликка катта иқтисодий самара келтирди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов А., Кўзиев Р., Парпиев Ф. Шўр ювишни илмий асосда ташкил этиш.//Агрономия журналы, №1-(45), 2017, 71-73 б.
2. Тохиров Б., Бегимқулова Н., Раҳмомов Р. Бухоро вилоятида тупроқларнинг экологик ҳолати.//Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш. Республика илмий амалий анжумани материаллари. Тошкент-2013, 39-42 б.
3. Ҳамидов Г., Назаров О., Назаров М. Тупроқларнинг шўрланишига сабаб бўлувчи экологик жараёнларни камайтириш тадбирлари.//Агрономия журналы, №5, 2017, 85 б.
4. Қурвонтоев Р., Назарова С. Бухоро тупроқларининг агрокимёвий хоссалари.//Агрономия журналы, №3, 2012 йил, 54-55 б.
5. Тошқўзиев М., Муҳаммадрасулов Ш. Заҳқаш (зовурлар) мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш омиллари. Марғилон-2017 йил, 35-39 б.
6. Рамазонов О. Шўрланган тупроқлар мелиорацияси ва улардан самарали фойдаланиш долзарб муаммо.//Агрономия журналы, №2, 2021 йил, 48-50 б.

УЎК:631.481:452

БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХОССА ХУСУСИЯТЛАРИ ЎРГАНИШ

(Бухоро тумани мисолида)

О.Б. Шарипов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро
С.С. Шадиева, магистрант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Худуднинг ўзига хос табиий-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда тупроқларнинг морфологик, агрокимёвий, физик-кимёвий ва кимёвий хоссаларини ҳозирги ҳолатини ўрганиш.

Калим сўзлар: морфологик, агроирригацион қатлам, аллювиал, фракциялар, профиль, горизонт, ҳаракатчан фосфор, сингдирилган асослар, катионлар, шўрланиш типи, аккумуляция

Аннотация. Изучение современного состояния морфологических, агрохимических, физико-химических и химических свойств почв с учетом специфических климатических условий региона.

Ключевые слова: морфологический, агроирригационный слой, аллювиальные, фракции, профиль, горизонт, подвижный фосфор, поглощенные основы, катионы, тип засоления, накопление

Abstract. Studying the current state of the morphological, agrochemical, physicochemical and chemical properties of soils, taking into account the specific climatic conditions of the region.

Keywords: morphological, agroirrigation layer, alluvial, fractions, profile, horizon, mobile phosphorus, absorbed bases, cations, type of salinization, accumulation

Кириш. Бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ер майдонлари тупроқларининг унумдорлигини ва ўз навбатида, экинлар ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йиларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларни, энг асосийси замонавий сув– ва ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни кенг жорий қилиш ва мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда самарали услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг асосий хосса хусусиятлари ўрганиш (Бухоро тумани мисолида).

Тадқиқотнинг вазифалари: Бухоро воҳаси худудининг табиий- иқлим шароитларини ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб тупроқларнинг морфологик, агрокимёвий, физик-кимёвий, кимёвий хоссаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти Бухоро туманида тарқалган суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал ва чўл-қумли тупроқлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган тупроқларнинг асосий хосса-хусусиятлари ва тупроқ унумдорлиги.

Танланган тадқиқот объекти худуди Бухоро воҳасида жойлашган. Бухоро воҳаси Навоий вилояти худудидаги “Конимех”-“Ҳазара” тор дараси билан чегарадош, бу дара “Автобачи” ва

“Қизилтепа” платосининг учламчи давр ётқизиқларидан ташкил топган. Бу ҳудуд Зарафшон дарёсининг бирламчи субаэреал дельтаси ҳисобланиб, кенг қўламдаги аллювиал текисликлари ва дельта ўртасидаги ўтиш соҳаси сифатида қаралган [2]. Бу воҳанинг узунлиги 80 км, максимал кенглиги эса 50 км ни ташкил этади [1-3].

Д.М.Кац (1957) томонидан воҳа бўйича 5 та ҳудуд (туман) ажратиб кўрсатилган, жумладан, шу муаллиф томонидан қуйидаги фикрлар ёзиб қолдирилган: «Биринчи ҳудуд дельтанинг юқори қисмини ўз ичига олади. Бу ҳудуд кумоқли сочилмалар билан биргаликда майда тошларнинг қалинлиги ўртача 30 метргача етувчи қатламларидан ташкил топган. Бу қатлам кумоқ линзалар қаватлари билан биргаликда лойли қатламлар билан қопланган. Қоплама қатламларнинг қалинлиги 3-5 метргача етади, 1-қайир усти терасса соҳасида бу қалинлик қиймати 0,5-1 метрни ташкил қилади. [2,5,6]

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг морфологик кўрсаткичлари ўзига хослиги билан ажралиб туради, уларда агроирригацион қатлам мавжуд бўлиб, ранги, механик таркиби, зичлигига кўра бир текис, гумусли қатлам суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларга нисбатан яққол ажралиб турмайди, аммо қалинлиги кўпроқ бўлиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга тупроқ профилида антропоген қўшилмалар (сопол, кўмир ва бошқалар) ни учратиш мумкин. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар учун гумусли қатлам нисбатан қалин эмас, ранги тўқроқлиги, агроирригацион қатлами кескин ажралиб турмаслиги хосдир. Тупроқ кесмасида ҳашаротлар излари ва ўсимлик майда илдизлари учрайди, қуйи қисмида эса оксидланиш ва қайтарилиш жараёнлари натижасида оч ҳаво ранг, қорамтир ва занг доғлари мавжуд [3,4].

Суғорма деҳқончилик табиий тупроқларнинг шаклланиши жараёнини тубдан ўзгартириб, янги тупроқ ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Маълумки, табиий тупроққа катта миқдорда суғориш суви, турли минерал ва органик ўғитларнинг берилиши, агротехник тадбирларнинг ўтказилиши тупроқларнинг морфологик қиёфасини ўзгартиради. Тупроқ профилида 20-30 см қалинликда ҳайдалма қатлам ҳосил бўлади.

Деҳқончиликнинг дастлабки бошланган даврида ушбу горизонт, табиий тупроқларнинг А₁, А₂, В қатламлари ҳисобига ҳосил бўлганлиги сабабли бир хил рангга эга бўлмаслиги Р.К.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмоновнинг ишларида ҳам айтиб ўтилган [8-10]. Демак, суғориладиган тупроқларнинг морфологик тузилиши табиий тупроқлардан, суғориш ва ишлов беришнинг дастлабки давридан бошлаб кескин фарқ қилади.

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумус миқдори кесма бўйича аста секинлик билан камайиб бориб, ҳайдалма қатламда гумус миқдори 1,079 дан 1,489% гача, ҳайдалма ости қатламида 0,808 дан 1,026% ни, пастки қатламаларда (71-80 см) - 0,557-0,777% гача бўлиши аниқланди (1-жадвал). Кесманинг қуйи қисми (100-110 см) да гумус миқдори 0,304-0,380% ни ташкил қилади. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумусли профиль агроирригацион қатлам билан коррелятив боғлиқлиги кузатилди.

1-жадвал

Суғориладиган тупроқларнинг таркибидаги гумус ва озуқа элементлар миқдори

Чуқурлиги (см)	Гумус (%)	Умумий азот (%)	Фосфор		Калий		СО ₂ (%)
			%	мг/кг	%	мг/кг	
Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар							
0-25	1,19	0,098	0,205	21,2	1,843	176,7	8,54
25-50	0,98	0,082	0,185	11,5	1,723	120,5	9,55
50-76	0,78	0,069	0,115	9,1	1,602	144,6	10,23
76-112	0,62	0,058	0,091	5,2	1,482	122,3	10,76
Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар							
0-24	1,31	0,096	0,182	19,2	1,244	173,1	9,05
24-50	0,46	0,049	0,131	14,1	0,843	128,2	9,13
50-85	0,34	0,041	0,089	8,6	0,682	114	11,18
85-114	0,22	0,028	0,066	3,9	0,602	98,8	9,91
Суғориладиган чўл-қумли тупроқлар							
0-15	0,42	0,042	0,114	15,8	1,102	168,1	6,92
15-40	0,27	0,029	0,091	12,3	0,814	144,3	7,02
40-80	0,22	0,027	0,062	2,1	0,761	106,2	7,16
80-115	0,16	0,021	0,036	1,1	0,661	96,3	6,75

Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ҳайдалма қатламида гумус миқдори воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларига нисбатан бирмунча кўп бўлиб (1,215-1,560%) пастки қатламларига воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларини фарқли, унинг кўрсаткичлари кескин-(0,155-0,216%) камайиб боради. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумус захираси 0-25 см қатламида суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларидан бир оз камроқ кўрсаткичга эга бўлиб, 45,30 т/гани, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда эса 50,01 т/гани ташкил этади. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумусли

профиль агроирригацион қатлам чуқурлиги билан боғлиқликда учрайди ва 0-100 см қатламда воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида 64,90 т/гани, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида эса 34,60 т/гани ташкил этади. Суғориладиган чўл-қумли тупроқларида гумус захираси 0-25 смда-16,08 т/га, 0-100 смда-18,40 т/гани ташкил этади. Ўрганилган ҳудуд тупроқлари чўл зонасида тарқалганлиги ва экстраарид иқлим шароитларига эга бўлганлиги сабабли органик моддалар интенсив минерализацияга учрайди ва унинг натижасида шаклланган азотнинг минерал формаси кўп йиллик суғориш жараёнилари таъсирида пастки қатламларига ювилиб кетади ва C:N нисбати кесма бўйича юқори горизонтларидан қуйи горизонтларига кўра камайиб боради, лекин воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида кўп йиллик намланиш натижасида минерализация жараёни сустлашган бўлиб C:N нисбати пофиль бўйича кескин камаймайди. Воҳа ўтлоқи тупроқлари ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида азот миқдори- 0,058-0,082% ни, пастки қатламларида 0,028-0,041% ташкил этади. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг юқори қатламларида азот миқдори-0,066-0,096%, пастки қатламларига қараб ушбу кўрсаткич кескин камаяди ва 0,009-0,028% ни, чул қум тупроқларда азот кам миқдорда учрайди ва -0,016-0,038% дан қуйи қатламларига кескин камайиб 0,005-0,011% ни ташкил этади.

Воҳа ўтлоқи тупроқларида ялпи фосфор миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 0,185-0,205% ва пастки қатламларида 0,091-0,115% ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич тупроқнинг устки қатламларида юқорироқ бўлиб, бунга сабаб биоген аккумуляция ва кўп йиллик ўғит қўллаш тизими деб ҳисоблаш мумкин. Ҳаракатчан фосфор миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 11,5-21,2 мг/кг, пастки қатламларида эса карбонатлар, ишқор муҳит ва R₂O₃ ларнинг таъсирида кескин камайиб 5,2-9,1 мг/кг ни ташкил этади. Суғориладиган ўтлоқи -аллювиал тупроқларида ялпи фосфор мутаносиб равишда 0,131-0,182 ва 0,066-0,089% ни, ҳаракатчан фосфор 14,1-19,2 ва 3,9-8,6 мг/кг ни ташкил этади; суғориладиган чўл-қумли тупроқларда юқори қатламларда ялпи фосфор мутаносиб равишда 0,091-0,114 ва 0,036-0,062% ни, ҳаракатчан фосфор 12,3-15,8 ва 1,1-2,1 мг/кг ни ташкил этади.

Ҳудуднинг воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлари гумус билан таъминланиши бўйича-“кам” ва “ўртача”, фосфор-“кам” ва “жуда кам”, калий – “кам”; суғорилдадиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари гумус бўйича-“кам” ва “жуда кам”, фосфор-“жуда кам” ва “кам”, калий-“кам”; чўл-қумли тупроқларда гумус-“жуда кам”, фосфор-“жуда кам”, калий-“кам” деб тавсифланади.

Шўрланиш даражаси бўйича воҳа ўтлоқи -аллювиал тупроқлар, кўп йиллар давомида суғориш ва тузларни ювиш жараёни натижасида, асосан шўрланмаган ва кучсиз шўрланган, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар кучсиз ва ўрта шўрланган, суғориладиган чўл-қумли тупроқлар шўрланмаган, кучсиз ва ўрта шўрланган. Тупроқлар шўрланиш типи бўйича асосан сульфатли ўрта шўрланган ерларда хлорид-сульфатли, катионлар бўйича магний- натрийли.

Хулосалар. Бухоро воҳасининг ҳудуди Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади: жумладан, қурғоқчил иқлим шароитлари, кам ўсимликлар қолдиғига эгалиги, минераллашган ер ости сувининг ер юзасига яқин жойлашганлиги, алоҳида ўзига хос геоморфологик, литологик шароитлари ва инсон фаолияти ҳудудда тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг йўналишида ва тупроқнинг хоссалари (морфогенетик, агрокимёвий, физик-кимёвий, кимёвий хусусиятлари)да ўз ифодасини топди.

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг морфологик кўрсаткичлари ўзига хослиги билан ажралиб туради, уларда агроирригацион қатлам мавжуд бўлиб, ранги, механик таркиби, зичлигига кўра бир текис, гумусли қатлам суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларга нисбатан яққол ажралиб турмайди, лекин қалинлиги кўпроқ бўлиши билан тавсифланади. Агроирригацион қатлам бўйича воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-“қалин”, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-“ўртача қалин” гуруҳларига ажратилди.

Ҳудуд тупроқлари чўл зонасида тарқалганлиги ва экстраарид иқлим шароитларига эга бўлганлиги сабабли органик моддалар интенсив минерализацияга учрайди ва унинг натижасида суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ва айниқса чўл-қумли тупроқларда азотнинг минераллашган ҳолати тупроқ кесмаси бўйича юқори қатламдан пастки қатламларга кескин камайиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Х.А., Гафуров К.Г. Почвы Каракульского оазиса Бухарской области (естественно-исторические и почвенно-мелиоративные условия) // Материалы научной конференции профес. препода. состава ТашГУ. – Ташкент, 1966. – С.74-78.
2. Абдуллаев Х.А. Краткая характеристика некоторых почв правобережья Бухарского оазиса // Труды САГУ. – Вып. 1. – Ташкент, 1954. – С.8-88.
3. Гафуров К.Г., Абдуллаев Х.А. Характеристика почвенного покрова орошаемой зоны Бухарской области // Ташкент. – Изд-во «Фан». – 1982. – С.12-140.
4. Курьлева Н.И. Водно-солевой режим и его регулирование в условиях Бухарской области // Автореферат к.сель.-хоз.н. – Ашхабад, 1963. – С.5-17.
5. Фелициант И.Н., Конобеева Г.М., Горбунов Б.В., Абдуллаев М.А. Почвы Узбекистана (Бухарская и Навоийская области). – Ташкент: Фан, 1984. – С.3-60.

6. Гафурова Л.А., Абдрахмонов Т.А., Жабборов З.А., Саидова М.Э. Тупроклар деградацияси (ўқув кўлланма). – Тошкент, 2012. – 10-218-б
7. Гафурова Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях, их экологическое состояние и плодородие // Дисс. ... д.б.н. – Ташкент, 1995. – С.331–351.
8. Кузиев Р.К., Сектименко В.Е. Почвы Узбекистана // Ташкент: Extremum Press, 2009. – С.45–350.
9. Кузиев Р.К., Ташкузиев М.М. Плодородие почв. Проблемы рационального использования земельных ресурсов, сохранения и повышения плодородия орошаемых почв в Узбекистане // Ташкент, 2008. – С.64–68.
10. Қўзиев Р.К., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган тупрокларнинг эволюцияси ва унумдорлиги. –Тошкент, 2015.– Б.136-139

УДК: 633.511:575

КОРРЕЛЯЦИОННЫЕ СВЯЗИ МЕЖДУ ДЛИНОЙ ВЕГЕТАЦИОННОГО ПЕРИОДА И ОСНОВНЫМИ ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫМИ ПРИЗНАКАМИ У ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА В РАЗЛИЧНЫХ РЕГИОНАХ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ

С.А. Эгамбердиева, д.с/х.н., с.н.с., НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

С.Т. Жураев, к.с/х.н., с.н.с., НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

Аннотация. 2018-2020 yillarda genetik kelib chiqishi har xil bo'lgan paxta tizmalarining O'zbekistonning uchta mintaqasida o'tkazilgan ekologik sinovlar natijasida, shuningdek takrorlanish bilan ikki tomonlama dispersiyani tahlil qilish yordamida ushbu belgining yuqori genetik determinizmi va uning naslga o'tish darajasi aniqlandi. 705, 782, 956 va 998 qatorlar aniqlandi, bu uchta mintaqada ham kasallikka nisbatan qarshilik ko'rsatdi.

Калит со'злар: paxta, korrelyatsiya, erta pishib etish, hosildorlik, tolaning hosildorligi, tolaning uzunligi

Аннотация. В 2018-2020 гг. изучена устойчивость к увяданию линий хлопчатника различного генетического происхождения. В результате экологических тестов в трех регионах Узбекистана, а также с помощью двухфакторного дисперсионного анализа с повторами выявлен высокий генетический детерминизм данного признака и высокая степень его наследственности. Были идентифицированы линии 705, 782, 956 и 998, которые показали относительную устойчивость к заболеванию во всех трех регионах.

Ключевые слова: хлопок, корреляция, скороспелость, урожайность, выход волокна, длина волокна

Abstract. In 2018-2020. the wilt resistance of cotton lines of different genetic origin was studied. As a result of environmental tests in three regions of Uzbekistan, as well as using a two-way analysis of variance with repetitions, a high genetic determinism of this trait and a high degree of its heritability were revealed. Lines 705, 782, 956 and 998 were identified, which showed relative resistance to the disease in all three regions.

Key words: cotton, correlation, early maturity, yield, fiber yield, fiber length

Известно, что для целенаправленного селекционного процесса необходимо изучение корреляций между различными признаками. Так, на хлопчатнике исследователями выявлена тесная связь между урожайностью и количеством коробочек от 0,84 до 0,91, средняя корреляционная связь установлена между крупностью коробочек и урожайностью ($r =$ от 0,32 до 0,61). Между продуктивностью и массой семян наблюдалась положительная корреляция в слабой и средней степени (от 0,28 до 0,39). Между продуктивностью и выходом волокна определена слабая отрицательная корреляция [3].

Высокая степень соответствия была отмечена между урожайностью и массой 1000 семян. Между крупностью коробочек и высотой растения - средняя положительная связь; с массой семян и длиной волокна - слабая положительная. Масса семян и выход волокна как правило коррелируют отрицательно [3]. Выявление форм с различными сочетаниями взаимосвязей исследователи обуславливают влиянием рекомбиногенеза происходящего у гибридов [2].

Цель исследования: изучить взаимосвязи между длиной вегетационного периода с основными хозяйственно-ценными признаками хлопчатника, выращенными в трех регионах Узбекистана.

Материал и методика. Исследования проводили в 2018-2020 гг. на полях Института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Ташкентская область п.Салар), а также в филиалах института в Ферганской области (Кува) и Кашкадарьинской области (Касби), различающихся по почвенно-климатическим условиям. Посевы семян осуществляли в оптимальные сроки. Схема посева 60 см х 20 см х 1 растение.

Использовались 10 линий хлопчатника вида *G.hirsutum* L., полученные на основе интрогрессивных форм с участием дикого вида *G. trilobum* Skovsted, а также сортов зарубежной селекции из коллекции НИИССАВХ. Наиболее продуктивные индивидуальные отборы этих линий